

## КИМ КИМНИ АЛДАМОҚЧИ?

399 та текширув ва тадбирлар ўтказилиб, давлат бюджетига 2,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жаримлар ҳисобланди. Бюджетга 2 млрд. сўм маблағлар қўшимча ундирилиши таъминланди.

2 бет

## ЭНГ ОСОН, ЭНГ ҚИЙИН МАСАЛА

Халқ савиясини саёллаштириш энг осон иш. Бунинг учун ҳамма шароитлар бор. Лекин бу савияни боғбонлар мероси қадар кўтариш энг оғир масала.

9 бет

## ПИНҲОНА ҚОТИЛЛИК

Икки баттол қайта-қайта вилгилик сўрашди. Аммо эндиги аттанган не наф? Ўзганлар тирилик қаварми? Сўқир кўздан ёш чиқмаганидек, бу узру маъруфнинг қафолати қачонгача?

10 бет

## ҚУРИГАН ГУЛ ТИКОНИ

Экспертиза унинг тирноғининг остидан чиққан заррачалар марҳуманинг баданига сўриганга вазелин билан айнан бир хиллигини аниқлаб, марҳуманинг уйига борганини тани олишига мажбур бўлади.

12 бет

# Mustaqillik huquq demakdir Нидо



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

2007-yil 26-aprel, № 17 (538)

### Қонунчилик палатасида

## Ялпи мажлис

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан Ҳисоб палатасининг раиси Бекзод Мусаевнинг ҳисоботи тингланди. Маълумки, ушбу муассаса вазирликлар ва унга тенглаштирилган идоралар томонидан бюджет маблағларини белгиланган тартибда қонуний сарфланишини назорат қилувчи орган ҳисобланади. Палата раисининг маърузасида айтилишича, нотўғри сарфланган бюджет маблағларини ундириш, бюджетни тўлдиринишнинг янги манбаларини топишнинг амалдаги механизмлари такомиллаштирилган. Бунинг учун Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда янги Низом ишлаб

чиқилган. Ўтган йили вазирликларда ўтказилган 20 та текширишларда 26 млрд. 400 млн. сўмлик маблағлар нотўғри сарфланганлиги аниқланган. Ушбу маблағларнинг 14 млрд. 300 млн. сўми ундирилишига эришилган. Қолган маблағларни ундириш юзасидан Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасига тегишли ҳужжатлар тақдим этилган. Вазирлар Маҳкамасига эса бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан 27 та кўрсатма юборилган.

Шундан кейин ҳисобот юзасидан айрим депутатлар ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Овоз бериш якунларга кўра ҳисобот қизиқarli деб топилди.

Сўнгра ялпи мажлис кун тартибига киритилган иккинчи масала

юзасидан Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмухаммедов сўзга чиқди. Маърузачи «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш эркинлиги ва қафолатлари тўғрисида»ги Қонунларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилганлиги муносабати билан Қонунчилик палатасининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилди тўғрисида ўз таклифларини баён этди. Депутатлар ушбу таклифларни маъқулладилар.

Шунинг билан ялпи мажлис ўз ишини якунлади.

(Ўз мухбиримиз)

### Бурч ва масъулият

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган тўб ислохотлар, бир томондан, инсонни ўзгартириш учун объектив шарт-шароитларни вужудга келтириётган бўлса, иккинчи томондан, қурилаётган одил фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат учун ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган, ўз вазифасига нисбатан масъулиятли шахсларга бўлган катта эҳтиёжни келтириб чиқараётди. Бу эса барча соҳалардаги каби прокуратура органларида ҳам ходимларнинг масъулият ва малака билан муҳассамлашган омилкорликда иш олиб боришини, бир сўз билан айтганда доимий равишда муносиб кадр бўлишини тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан газетамиз таҳририяти Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва улар билан ишлашни таъминлаш аснода амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан Республика Бosh прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи, асли катта маслаҳатчиси Мирзохид ОБИДОВ билан суҳбат ўтказишни лозим топди.

## КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

— *Хурматли Мирзохид Ҳаётович, аввало прокуратура органларининг вазифалари, шунингдек «прокурор», «прокуратура» сўзларининг маъносини тушунириб ўтсангиз. Шунда прокуратура органлари ходимларига қўйилган вазифаларининг моҳияти янада ойдинлашди. Негаки, барча газетхонларимиз ҳам бу сўзларнинг маъносидан тўлиқ хабардор эмас, айрим кишиларда прокурорлар фақат «қораловчи», «жазловчи идора» ходимлари деган фикр ҳам йўқ эмас.*

— Бу тизим ва касбнинг номи ҳар бир давлатда турлича, масалан АҚШда «атторней» деб, яна бошқа давлатларда ўзгача сўзлар билан аталади. Аксарият давлатларда эса бу тизимда ишловчилар ва тизимнинг ўзи «прокурор» ва «прокуратура» сўзлари билан юритилади. Лекин уларнинг вазифалари ягона мақсадга, яъни, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини муҳофаза қилишга йўналтирилган.

Бу сўзлар асл лотин тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «ғамхўрлик қиламан», деган маънони билдиради. Энди ўзбек тилидаги «ғамхўрлик қиламан», «ғамхўр бўлиш»нинг маъносини чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, бу сўзлар ходимларимиз касбига қанчалик мос тушиши, уларнинг олдига қўйилган вазифалар нақадар аҳамиятли эканлиги янада ойдинлашди.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ҳам ходимларимиз олдига қўйилган вазифаларни янада ойдинлаштириб, прокуратура органлари том маънодаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган эканлигини кўрсатиб берди. Президентимиз Ислам Каримов ушбу қонун қабул қилинган сессиядаги «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳамия қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймамаслик мақсадда бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир. Прокурорлар фаолиятига улар томонидан кўзгатилган жиний ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади. Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунийликни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир», деб таъкидлаб ўтдилар.

Бу вазифалардан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинган қонунда асосий эътибор фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилишга қаратилди, фуқаролар назорат объектидан чиқарилди. Шу тўғрисида ҳам ислохотлар жараёнининг давоми сифатида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши халқимизнинг прокуратура органларига нисбатан ишончини янада орттирди.

Саволингизнинг иккинчи қисмига тўхталсам, бу фикр фақат қайсидир қонун талабини бузган, бирон-бир жиноят содир этиб, бу ҳаракатларнинг оқибатини чуқур ўйлаб кўрмаган ёки масалага бир томонлама ёндошган кишиларда туғилиши мумкин. Чунки, қаерда қонун бузилса ёки жиноят содир этилса, қайсидир ҳодимнинг ёки шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатда келиб чиқди.

Бундай ҳолда албатта бу ҳодим ёки шахсга нисбатан тегишли интизомий, моддий, маъмурий ёхуд жиний жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиб, тегишли жазо чоралари қўлланилади.

(Давоми 3-бетда).

### Хабар

19-21 апрель кунлари Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуроли кучлар Олий Бosh қўмондонини И.Каримовнинг 2007 йил 12 январ куни Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда Ҳарбий прокуратура органларининг роли» мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Мазкур анжуманда Ҳарбий прокуратура органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар иштирок этдилар. Қатнашчилар семинар дастури доирасида Тошкент Ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида, Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган ёрда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот олдилар. Шундан кейин Республика Бosh прокуратурасининг Қонунчилик палатасида

билан танишдилар. Айниқса Бosh прокуратура раҳбар ходимлари, марказ ўқитувчилари Фурқат Шодмонов, Бахтиёр Пулатов, Фахри Раҳимовларнинг қонуний ижроси ва таъминлашда эътибор Берилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳақидаги маърузалари мутахассисларга манзур бўлди.



## ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Мамлакатимизда болаларнинг соғлом ўсиб-ўлағайишлари, тўқис билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилапти. Таълим-тарбия учун бюджетдан эҳтиёжга яраша маблағлар ажратилмоқда. Андижон вилоят прокуратураси вилоятда шу турдаги маблағларнинг мақсадли сарфланишини доимий таҳлил қилиб бораёпти.



Назорат тадбирларида айрим боғчалар таъмиртабчилиги, қаттиқ ва юмшоқ меbel билан етарли жиҳозланмаганлиги ва болаларни оқватлантиришда таомномага қатъий амал қилинмаганлиги маълум бўлди. Бундай салбий ҳолатлар натижасида муассасаларга болалар қатнови сезиларли камайган.

билан танишдилар. Айниқса Бosh прокуратура раҳбар ходимлари, марказ ўқитувчилари Фурқат Шодмонов, Бахтиёр Пулатов, Фахри Раҳимовларнинг қонуний ижроси ва таъминлашда эътибор Берилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳақидаги маърузалари мутахассисларга манзур бўлди.

қонуний ижроси ва таъминлашда эътибор Берилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳақидаги маърузалари мутахассисларга манзур бўлди.

### 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

## АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Бу каби камчиликларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Боғчаларда таълим-тарбия савияси яхшиланиб борапти. Чунончи, Андижон шаҳар ХТБ кошисидаги 44-мактабга таълим муассасаси тарбиячиларининг фаолияти диққатга сазовор. Бу боғчада немис, касалликка чалинишга мойил болалар бюджет маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилиб, мактаб таълимига тайёрланади. Жонқуяр мураббийлар, 40 йиллик иш тажрибасига эга болалар врачси В.Хатенова 12 та гуруҳдаги 235 нафар болаларнинг соғлиқларини тиклаб, тенгдошлари қатори мактабларда ўқишларига тайёрлашга оид алоҳида қўлланмалар асосида иш юритишяпти. Санаторий типидagi боғча бекаму куст жиҳозланган, болалар ўзларини ўйларидagiдай ҳис қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Болалар баданларига зали, музика хонаси, ҳовли саҳнидаги турли ўйингоҳларда қувнаб яйрашяпти.

Исроил ИБРОХИМОВ,  
«Нидо» мухбири

СУРАТДА: Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Жўраев ва мактабга таъйёрлов гуруҳи тарбиячиси А.Фандуциева боғча синфхонасида.

Тобора ривожланиб бораётган иқтисодийётимизда транспорт соҳасининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса темир йўл транспортисиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз темир йўллари тобора кенгайиб, пассажир ва юк ташиниш ҳам йилдан йилга ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Тошкент темир йўллари тизимига қонунларга аниқ ва бирдари амал қилинишни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Тошкент транспорт прокуратураси то-

Ботир Дехқонбоев, Дилшод Тошев, Шерзод Раҳмонбердиевлар «Кучлик» темир йўл бекатида Олмалик тоғ-металлургия бекатидан келаётган вагондан тош майдалагич эҳтиёт қисмларини ўғирлаганлар. Шунингдек, Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаролар Шарофиддин Турчаев, Сирожиддин Мирзаев, Нурали Қосимов, Дониёр Тўйчиевлар Оҳангарон бекатидаги вагондан шифер ўғирлаганлар. Ушбу шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ жазо тайинланди.

ришди. Лекин улар узоққа боролмади, ҳужж-тартибот органлари ходимлари билетсиз йўловчиларнинг «манзилини ақин қилишди». Қизиги, ушбу гуруҳ аъзолари қилмишлари учун суд томонидан жазога тортилган бўлса-да, ҳануз ўз вазифаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Бошқа бир вагон хизматчилари эса контрабандага мойилликларини билдириб қўйишди. Жумладан, «Тошкент-Уфа-Тошкент» поевзди вагон хизматчиси Аббор Худойбердиев 351 минг

## БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ БАРАКАТ

Ҳозирги кунда республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлаш ва турмуш даражасини яхшилашга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Президентимизнинг «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилингач, бу борадаги ишлар янада жонлантирилди.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш билан боғлиқ. Кечиккан дехқон ютқазши аниқ. Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2007 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда агротехник тадбирларда иштирок этаётган техникаларнинг мавсумга тайёрлигини, сақланиши, улардан оқилона фойдаланиш, техник хизмат кўрсатилиши ва таъмирланишининг сифати юзасидан мунтазам текширишлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасида 62 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 336 нафар масъул шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Биргина мисол. Қасби туманидаги «Назартепа» ММТПда техника воситаларининг мавсумга шайлиги, сақланиши юзасидан ўтказилган текширишда меҳназотар А.Абдуғаниев ўзига ишониб топширилган КХУ-4 русумли культиваторнинг 805 минг 616 сўмлик эҳтиёт қисмларини талон-торож қилганиги аниқланди. Айрим туманлардаги давлат техникка назорат инспекциясининг мансабдор шахслари ўзларига юклатилган вазифани лозим даражада бажармаётганлик-

лари қимматга тушмоқда. Хусусан, Нишон тумани прокуратураси томонидан туман ҳўқимлиги ҳузурдаги «Давтехназорат» туман инспекциясида ўтказилган текширишда инспекция бошлиғи Э.Қўжамов маъжуд қишлоқ ҳўжалиги техникасида 410 тасини рўйхатга олмаганлиги маълум бўлди. Бунинг оқибатда давлатга 4 млн. 582 минг 980 сўм зиён етказилган.

«Бугунги ҳаракат – эртанги баракат», дейишди. Шу сабабдан мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, чигит экиб, гўза майсаларни ундириб олиш ҳозирги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 27 декабрдаги «2007 йил пахта етиштиришнинг прогност хажмлари ва гўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлаш ҳам вилоят прокуратураси органларининг доимий назоратида турибди. Вилоят прокуратурасининг ташаббусига асосан вилоят ҳўқимлиги ва вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда туманларда 2007 йил агросаноат комплекси ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатувчи гуруҳлар ташкил этилди. 2007 йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўрилиб, чигит белгиланган муддатларда сифатли экилишни таъминлаш мақсадида севялкалар тўлиқ таъмирланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Техника воситаларининг узлуқсиз ишлаши учун кўма ошонлар, техник ёрдам кўрсатувчи ҳамда ёқилги мойлаш маҳсулотларини ташиб юрчи транспорт воситалари иши йўлга қўйилди. Чигит экиш мавсумида иштирок этаётган ҳар бир меҳнаткор ва севялкачиларга хомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Л.САМАДОВ,  
Қашқадарё вилоти прокуратураси бўлими прокурори

## ТРАНСПОРТ ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

монидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, прокуратура томонидан 2006 йилда жами 285 та жиноят аниқланди. Уларнинг 60 тасини оғир, 79 тасини унча оғир бўлмаган, 127 тасини эса иқтимоий хавфли бўлмаган жиноятлар ташкил этган. Таҳлиллар ўтган йилги ўғирлик жиноятлари 61 тани ташкил этишини кўрсатди. Судлар томонидан ҳисобот йилида ўғирлик жиноятлари билан 56 нафар шахсга нисбатан 33 та жиноят иши кўриб чиқилган. Уларнинг 23 нафарига озоликдан маҳрум қилиш, 10 нафарига ахлоқ тузатиш, 3 нафарига қамок, 3 нафарига эса жарима жазоси тайинланган.

Афсуски, ўғирлик жиноятлари содир этган шахсларнинг 25 нафари муҳаддам судланганлардир. Жумладан, Тошкент вилотида Урта Чирчиқ туманида яшовчи фуқаролар Санжар Холмирзаев,

Яна бир эътибор берилиши лозим бўлган жиҳат темир йўл хизматчилари томонидан жиноят содир қилиш ҳолатларининг ҳамон бартараф этилмаётганлигидир. 2006 йилда 61 нафар темирйўл хизматчилари томонидан 55 та жиноят содир этилган. Ушбу жиноятларнинг 26 таси ашдов, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан амалга оширилган.

«Тошкент-Москва-Тошкент» йўналишида катновчи поезд бригадир У.Абдуллаев бошчилигидаги вагон хизматчилари Зайниддин Юсупов ва Нигмат Расуловлар вагонларга қўшимча йўловчи олишга ўзаро келишиб олишди. Билетсиз кетишга рози бўлган йўловчилар ҳам топила қолди. Темирйўлчилар жами етти нафар йўловчидан 1 млн. 297 минг сўм пулни санаб олишди, уларни вагонларнинг оқ учун мўлжалланган «учинчи қавати»га жойлашти-

сўмлик, «Тошкент-Харьков-Тошкент» поевзди хизматчиси Улугбек Норметов эса 167 минг сўмлик спирт маҳсулотларини ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб кираётганларида қўлга олинди.

«Ўзбекистон» локомотив депосининг айрим ходимлари эса пулишашнинг бошқачароқ йўлини топишди. Жумладан, тепловоз машинистлари Андрей Умаров ва Насриддин Хўшбақовлар 897 минг сўмлик енигини ноқонуний равишда сотиб юборишган бўлса, мазкур депонинг кўриқлаш бўлими ходими Нурриддин Раҳмонов нақд 2 млн. 509 минг сўмлик эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетган. Бундай қонунбузарликларга йўл қўйган темир йўл хизматчилари қонунга мувофиқ жазога тортилди.

Абдурашид МАННОНОВ,  
Тошкент транспорт прокурори

## ҲАДДИНИ БИЛМАГАН РАИС

Мурат Ҳамидов ўзига яраша обрўли кишилардан саналади. Бундан бир неча йил илгари «Махалла» хайрия жамғармаси Бектемир туман бўлими раиси лавозимига ўтган, обрўси аянам ошиб кетди. Анча-мунча қайларга гапи ўтадиган одамга айланган Мурат Ҳамидов бироз ҳаволака бошлади. Ҳаётнинг ласт-баландини кўрган, нимагаки эришган бўлса ўз кучи, меҳнати билан етишган одамдан ҳеч ким буни кутмагани аниқ.

М.Ҳамидов ҳаволалини баробарида таъмағирлик, товланачилик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва иқтисодийётга оид жиноятларга қўл ура бошлади. У туман «Махалла» хайрия жамғармаси раиси бўлиб ишлаган вақтда махаллалардаги кам таъминланган, моддий қўмакка муҳтож оилаларга ажратилиши керак бўлган маблағларни эҳтиётмадлар қилиб бошқаларга моддий ёрдам сифатида тарқатиб юбораверган. Қўл остида ишловчиларга ноқонуний равишда мукофот пуллари ажратиш, қандайдир танловлар учун тадбиркорлик субъектларига пул кўчириш, гўёки таъмирлаш, ободонлаштириш мақсадида турли қурилиш ашёлари учун жамғарма ҳисобидидаги пулларни бошқа ташкилотлар ҳисобига ўтказишга оdatланиб олган. Турган гапки, буларнинг бариди шахсий манфаат ётади. Айниқса, жамғарманинг туман бўлими қошида ноқонуний равишда шўба корхонаси ташкил этган, унинг учун жамғарма пуллари сарфлашнинг антиқа усули пайдо бўлади. Бунинг учун у аввало, шўба корхона низом жамғармасини 20 млн. сўм қилиб белгилаб олган ва уни тўлдириб ҳамда бошқа харажатлар учун 9 млн. 274 минг 900 сўмни мақсадсиз сарфлаб юборган. Энг қизиги, у шўба корхонанинг аслида йўқ тракторлари учун эҳтиёт қисмлар сотиб олган. Деярли яросиз аҳолидаги трубалар учун 4 млн. 320 минг сўм пул ўтказганига эса умуман изоҳ шарт эмас.

Шу тарихи у раислик даврида жамғарма ҳисобидан жами 12 млн. 373 минг 600 сўмни мақсадсиз сарфлаб, жамғарма балансидаги 3 млн. 643 минг 130 сўмлик товар моддий бойликларни растрата йўли билан талон-торож қилиб юборди. Мурат раис фақат иқтисодий жиноятлар билангина қийовланмаган экан.

У Бектемир туманида жойлашган бир неча тадбиркорлик субъектларини раҳбарларидан товланачилик йўли билан мунгазам равишда пул талаб қилиб келган. Унинг назаридан озиқ-овқат дўконлари, дорихона, сартарошхона ва ҳатто пойафзал таъмирлаш устаконалари ҳам қолмаган экан.

Ҳаддини билмаган раис тегишли жазосини олди: суд ҳўқими билан унга турт йилга озоликдан маҳрум қилиш жазоси ва 5 млн. 241 минг 830 сўм жарима белгиланди.

Н.БОЗОРОВА,  
Бектемир туман прокуратурасининг ёрдамчиси

## Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жума ҚАЮМОВ билан сўхбат

— Жума ака, жорий йилнинг 1-чораги ҳам якулидди. Таҳлиллар ҳақида нима-лар дея оласиз?

— Ўтган даврга муайян ишлар қилинди. Фактлар ҳақида тўхталадиган бўлсам, бошқарма ва унинг худудий бўлиmlари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларда 399 та текширув ва тадбирлар ўтказилиб, давлат

қилиш ниятида ҳар қандай жиноятлардан қайтмаляпти. Уларга қандай чора қўрилимоқда?

— Ҳалқимизда «Кўза кунда эмас, кунда синади» деган мақол беҳиз айтилмайди. Бунга айрим тадбиркорлар унутмаслиги керак.

Яқинда Мировот туман ДСИ рўйхатидан ўтган «Sharq Mir» МЧЖ чет эл корхонасида ҳужжатли текширув ўтказилиб, ташкилотнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди. Тафтиш жараёнида чет эл корхонаси 2006 йилнинг



бюджетига 2,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 216 та жиноят ва 160 та маъмурий ишлар кўзғатилди. Давлат бюджетига 2 млрд. сўм маблағлар қўшимча ундирилиши таъминланди. Ҳўқубзарлардан мамлакат худудига ноқонуний олиб келинган ва муомалага киритилган 1 млрд. 493 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланшининг олдини олиш борасида олиб боришган тезкор-таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 64 та ҳолатда 7,2 млрд. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмаси аниқланди.

Президентимиз ва ҳўкуматимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинишига қарамасдан, афсуски, айрим юридик шахслар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товланган ҳолатлари давом этмоқда.

— Тадбиркор ниқобидаги айрим кимсалар фақат солиқларни тўламаляпти, балки яширинча йўллар билан бойиб

қўйилди.

Жумладан, бошқармаимизнинг Шайхонтахур туман бўлими ходимлари томонидан Чилонзор тумани Собир Раҳимов метро бекати ёнида тадбир ўтказилганда фуқаро Ж.Ниёзов қўлбола усулда ишлаб чиқарилган ва акциз маркалари елимланган 405 шиша спиртли ичимликларни А.Усанова 450 АҚШ долларига сотаётганида ушланган. Ж.Ниёзовнинг яшаш манзили кўздан кечирилганда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 85 дан ароқ қопқоқлари, 7,5 литр спирт ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қўллаб хом-ашёлар борлиги маълум бўлди. Фуқаро Ж.Ниёзовга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

— Жиноятчи қилишни учун жавоб бериш муқаррар. Бирок ҳали қонунбу-

## КИМ КИМИНИ АЛДАМОҚЧИ?

июль-август ойлари давомида умумий қиймати 2 млрд. 178 млн. 578 минг сўмлик нақд пул айланmalarини амалга ошириб, ишчиларга қўшимча тарада солиққа тортилмайдиган 59 млн. 319,2 минг сўмлик иш ҳақини қўнунга ҳилоф равишда тўлаганлиги аниқланди. Бу ҳам етмагандек, 1 млрд. 3 млн. 404,5 минг сўмлик товар-моддий бойликлар нақд пулга сотилиб, савдо пуллари банкка топширилмаган ва ҳисоботларда кўрсатилмаган. Сифат сертификат ва божхона ҳужжатлари бўлмаган 312 млн. 46,5 минг сўмлик озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари далилий ашб сифатида олиб қўйилган.

— Кейинги пайтда қўлбола ароқлар кўпайиб кетаётгани ҳақида ОАВда бот-бот чиқарилган қилинмоқда. Лекин нимагадир жиноятнинг бу тури камайганми? — Фиркингиз асосли. Яширин шёларни фош этиш юзасидан аниқланган 13 та қонунбузарлик ҳолатларининг 6 таси бўйича жиноят ишлари кўзғатилиб, 18,3 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб

зарликка йўл қўймаган фуқарога ҳақ-ҳўқуқини тўлуштириш жамият учун фойдали. Тўғрими?

— Албатта. Бу борада тадбиркорларга ҳўқуқлари билан бир қаторда зиммасидаги масъулиятни ҳам унутмасликларни бот-бот тушунтирилмоқда. Фуқароларнинг ҳўқуқий онгини ошириш, қонун ҳужжатларига амал қилиш борасида 1051 та профилатик тадбирлар ўтказилди. Бундай тадбирлар натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга ихтиёрий равишда 70,2 млн. сўм ундирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бошқа ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда 46 та тадбир амалга оширилиб, 10 та жиноят иши кўзғатилди. Ҳўқубзарларга нисбатан 163,2 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар қўлланилиб, 139,7 млн. сўми ундирилди. Бу борадаги ишларни йил бўйи давом эттиришни режалаштирганмиз.

Сўхбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ



## Иш ҳақи қайтариладими?

*Мен касалхонада провизор бўлиб ишлайман. Ойлик маошим тариф септасига мувофиқ тўлаб келинади. Лекин беш ҳисобчиликни айтишича, менинг ўтган ойги иш ҳақимни ҳисоблашда адашиб кетиш натижасида ортинча пул тўлаб юборилибди. Шунинг учун кейинги ойдаги иш ҳақимдан ушлаб қолинар экан. Шу тўғрисида?*

**Т.ЖУМАЕВ,**  
Тошкент шаҳри

МКнинг 279-моддасига кўра, иш берувчи томонидан иктиёрий равишда тўланган, шу жумладан, қонунни нотўғри қўлланган оқибатида тўланган ортинча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортинча тўловлар бундан мустафо.

Умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақилан ушлаб қолиниши мумкин.

МКнинг 164-моддаси талаби бўйича бундай ҳолларда иш берувчи аваниси қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмастан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўттиб кетган бўлса ёки ходим ҳужжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансининг ушлаб қолиниши асосан ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз сул тартибда ундирилади. Лекин иш ҳақининг ҳар тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

## Пул тўланадими?

*Укам иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Бу ҳолат давлат меҳнат инспекцияси томонидан тасдиқланди. Унинг фарзандлари 18 ёшдан ошганлиги ва умр йўлдоши меҳнатга лаёқатли эканлигини ҳисобга олиб, иш берувчи Меҳнат кодексининг 192, 193-моддаларига мувофиқ, марҳумнинг оила аъзоларидан ҳеч бири зарар тўловини олишга ҳақиқат эътибори вақт қилиб, МКнинг 194-моддасига асосан марҳумнинг оиласига унинг олти йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридан бири йўла бериладиган пулни бериши рад этди.*

*Иш берувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидага асосланмоқда. Иш берувчи ҳақиқат?*

*Зарар тўлови қонунга асосан мумкин эмас экан, наҳотки бир йўла бериладиган нафақа ҳам бериш мумкин бўлмасми? У ҳолда МКнинг 194-моддасига ўзгартириш киритиш лозим бўлмасми?*

**М.ИСМОИЛОВ,**  
Ангрэн шаҳри

Иш берувчининг ҳаракатлари қонунга мувофиқ. Чунки Меҳнат кодексининг 192-моддасида иш берувчи у ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин тутилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишлагандан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингллар) ёки неваларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шартлиги белгиланган.

Қарамоқда бўлиш фаразан олинди ва бунинг учун далил талаб этилмади.

Меҳнатга қобилиятсиз бўлган шахсларга эса

қуйидагилар кирди:

- ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунча қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;
- олти ёшга тўлган эркеклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотида қадар ёки ундан кейин) унинг зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.

Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

МКнинг 194-моддаси эса МКнинг 192-моддаси талабига мувофиқ келадиган шахсларга бериладиган нафақа миқдорини белгилайди, холос.

## Талаб қилинадиган ҳужжатлар

*Мен ноширлик фаолиятини йўлга қўймоқчи эдим. Бунинг учун қандай ҳужжатлар тўлаш керак бўлади?*

**Р.ЖАББОРОВ,**  
Самарқанд шаҳри

«Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом талаби бўйича лицензия олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тўплашингиз ва уларни лицензия берувчи органга тақдим этишингиз лозим бўлади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

- юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами;
- фамилияси, исми, отасининг исми, лицензия талабгори - юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;
- фаолиятнинг лицензияланаётган тури;
- ихтисослашуви;
- маблағ билан таъминлаш манбалари;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ариза қўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) юридик шахс ходимларида тегишли олий ёки ўрта махсус маълумотнинг ва ноширлик ишида камида 3 йиллик иш тажрибасининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси).

## Жиноятнинг бир-биридан фарқи нимада?

*Ёлмон қилнаётган амнистия актларида жазони ўтаётган ёки айни пайтда иши терговда бўлган шахсларни жазодан озод қилиш, ўта оғир, оғир ёки ўнча оғир бўлмаган жиноятлар деган тушунчалар тилга олинади. Бу ҳолатлар бир-биридан қандай фарқланади?*

**О.ҲАМИДЖОНОВ,**  
Фарғона шаҳри

Бу ҳолатлар аслида содир этилган жиноий қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини белгилайди. Ана шунга қараб қилмиш таснифланиб, унга тегишли жазо белгиланади.

Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, ўнча оғир бўлмаган жиноятлар деганда, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан

ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кирди.

Оғир жиноятларга қасддан со-

дир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кирди.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар кирди.

## Истеъмолчи талаби

*Бозордан гўшт харид қилаётганимда гўштининг сифатига албатта эътибор қиламан. Бу ҳақда сотувчининг ўзидан сўраганимда айримлари яхши жавоб беришади. Лекин айримлари эса ёқса олинг, ёқмаса бошқа жойга боринг дейишади. Мен истеъмолчи сифатида шундай савол беришга ҳақиманми?*

**Д.ШОИСАЕВ,**  
Тошкент шаҳри

Албатта ҳақлисиз. Чунки «Савдо соҳобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисида» Йўриқнома талабига мувофиқ сотувчи хариддорнинг эътиборига гўшт маҳсулотини хусусидаги зарур ва ишончли маълумотни, хусусан:

а) гўшт маҳсулотининг турига;

б) гўшт учун ҳайвон қачон сўйилганлигига;

в) гўштининг одамлар истеъмолига яроқли эканлиги тўғрисидаги ветеринария гувоҳномасига (маълумотномасига) оид маълумотларни етказишни шарт.

Сотувчи маҳсулот етказиб берувчининг фирма номи ва жойлашган ери (юридик манзили) ҳақидаги ахборотни ҳам харидор талабига кўра бериши шарт.

## АСОС НИМА?

*Кейинги пайтларда пули тўланмаётган турар жойларни ҳисобга олиш ва уни эгасиз деб топши борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айтишгич, аслида қонун бўйича уйни эгасиз деб топши ва уни ҳисобга олиш учун нима асос бўлади?*

**К.ЭРМАТОВ,** Тошкент шаҳри

«Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабига мувофиқ, узоқ (6 ойдан кўпроқ) вақт мобайнида бўш турган, яъни ушбу турар жойда қонуний асосларда яшайдиганлар бўлмаганда, бунинг натижасида у ерда қуйидаги ҳолатлар вужудга келган турар жой эгасиз ва ҳисобга қўйиладиган турар жой ҳисобланади:

а) бўш турган ушбу давр

учун коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун ҳаражатлар бўйича қарзлар мавжудлиги. Турар жойда яшовчилар йўқлиги бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи томонидан, коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун ҳаражатлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги бўйича эса - хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томо-

нидан тасдиқланади;

б) турар жойнинг бутунлиги ва сақланиши таъминланмаганлиги, бунинг оқибатида турар жойнинг бузилиши ва унга унчици шахсларнинг кириш учун уринишларига йўл қўйилганлиги. Ушбу ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ички ишлар органи профилактика инспекторлари иштирокидики қўшма далолатнома-си билан тасдиқланади.

## Ягона талаб

*Кейинги пайтларда ютуқли лотереялар ва бошқа хил турли ўйинлар жуда кўпайиб кетди. Лекин ютуқли билетларга эътибор қилинган бўлса, уларнинг баъзиларида шартли тўлиқ эмаслиги кўрамади. Айтишгич, бу борада бирон-бир қонун амал қиладими?*

**О.ФАТХУЛЛАЕВ,** Богдод тумани

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади. Унга кўра, ўйин билетларида қуйидаги реқвизитлар бўлиши керак:

- ўйин ташкилотчиси (ташкilotчилари)нинг номи, унинг (уларнинг) тўлиқ манзили;
- ўйиннинг номи;
- ўйинда қатнашиш қиймати;
- тиражнинг ўтказилиш санаси ва вақти (тиражли лотереялар учун);
- ютуқ фондининг миқдори (тиражли ва лаҳзали лотереялар учун қўшимча равишда ютуқларнинг умумий сони ва миқдорлари);
- ютуқларни тўлаш муддатлари ва жойи;
- разрядлар, сериялар, тартиб рақамлари ва бошқа реқвизитлар.

Саволларга Юнусовд туман прокуратурининг ёрдамчиси Бобоқул САЙДОВ жавоб берди.

Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Саволларингизни нафақат хат орқали, балки «Нидоқ» газетасининг «nidoq97@mail.ru» электрон почтасига юборишингиз ёки 133-26-62 телефон рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

# Ҳақратлик теледастурлар

# ҲИҚШОТ TV

2007-yil 26-aprel, № 17 (538)

## Моҳият

Ҳисмонан бақувват  
одам иссиққа ҳам,  
совуққа ҳам бардош  
беради. Ҳудди шунинг-  
дек, руҳан тетик одам  
газаба ҳам, қайғуга  
ҳам, шодликка ҳам,  
бошқа кечинмаларга  
ҳам чидай олади.

### 30-aprel, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (узб)  
07.30, 08.30, 10.50, 14.00,  
16.30, 18.30, 21.00 Узбек наво-  
лари  
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)  
08.45, 13.10, 15.45, 17.30,  
20.30 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 4-серия  
10.00 «Сунмас орзулар»  
11.00 Х/ф «Лабиринт Фавна»  
15.00 Теленяня  
19.30 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 5-серия  
22.00 Х/ф «Любови на острове»  
23.45 Миксер

### 1-may, Seshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10, 10.30, 13.15, 14.30  
08.10, 12.45, 14.10, 15.45 Ми-  
ровые хиты  
09.00 Сериал «Оперативный псев-

доним» 5-серия  
10.00 «Премьера» (узб.)  
11.00 Х/ф «Любови на острове»  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
15.00 Теленяня  
16.30, 17.45, 18.10, 20.00,  
21.30 Узбек наволари  
17.00 «Топ-20»  
19.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 6-серия  
21.00 «Великоленная семёрка»  
22.00 Х/ф «Национальная безо-  
пасность»  
23.45 Миксер

### 2-may, Chorshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10, 08.30, 10.40, 13.20,  
14.30 Узбек наволари  
07.30 «Премьера» (рус)  
08.00, 12.45, 14.10, 15.45,  
17.45 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 6-серия  
10.00 «Навбат» Рашид Холиков

### TV ПАРКАЗ канали ҳафталик дастури

билан  
11.00 Х/ф «Национальная безо-  
пасность»  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теленяня  
16.15, 18.10, 20.00, 21.30 Уз-  
бек наволари  
19.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 7-серия  
21.00 «Миссия неповторима»  
22.00 Х/ф «Сердце ангела»  
00.10 Миксер

### 3-may, Payshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10, 08.00, 10.00, 13.30,  
14.30 Узбек наволари  
09.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 7-серия  
11.00 Х/ф «Сердце ангела»  
13.10, 14.10, 15.45, 17.30,  
20.00 Мировые хиты

14.00 Марказ NEWS (узб)  
15.00 Теленяня  
16.00, 18.10, 21.30 Узбек наво-  
лари  
17.00 «Великоленная семёрка»  
19.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 8-серия  
20.30 «Премьера» (узб)  
21.00 «Юлдузли пайшанба»  
22.00 Б/ф «Ишк сурури»  
23.45 Миксер

### 4-may, Juma

07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10, 10.00, 13.00, 14.30 Уз-  
бек наволари  
08.00 «Топ-20»  
08.45, 12.45, 14.10, 15.45,  
20.50 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Оперативный псев-  
доним» 8-серия  
11.00 «Ишк сурури» бадий

фильм  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теленяня  
16.30, 18.10, 19.30 Узбек наво-  
лари  
19.00 «Кулинар фантазиялари»  
20.00 «Сунмас орзулар»  
21.00 «Премьера» (рус.)  
21.30 «Кинокурьер»  
22.00 Х/ф «Ночь в музее»  
00.00 Миксер

### 5-may, Shanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10, 08.30, 10.00, 13.00 Уз-  
бек наволари  
08.00 «Юлдузли пайшанба»  
09.00, 14.30, 16.20 Мировые  
хиты  
09.30 «Кинокурьер»  
11.00 Х/ф «Ночь в музее»  
14.00 «Премьера» (узб)  
15.00 Теленяня  
17.00, 18.10, 19.00, 21.40 Уз-  
бек наволари  
18.30 «Альо-Марказ»

19.15 Концерт  
21.00 «Навбат» Рашид Холиков  
билан  
22.00 Х/ф (Индия) «Игроки»  
00.35 Миксер

### 6-may, Yakshanba

07.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10, 14.00, 16.20 Узбек наво-  
лари  
08.00 Концерт  
09.45, 10.50, 13.35, 19.00,  
21.45 Мировые хиты  
10.00 «Сунмас орзулар»  
11.00 Кино «Игроки»  
15.00 Теленяня  
16.30 «Премьера» (рус)  
17.00, 18.10, 19.30, 20.30 Уз-  
бек наволари  
17.30 «Юлдузли пайшанба»  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
20.00 «Альо-Марказ»  
21.00 «Топ-20»  
22.00 Х/ф «Дитя  
человеческое»  
00.00 Миксер

### 30-aprel, Dushanba

12.007 13.50 «Клип-минут-  
ка»  
12.20 «Ералаш»  
12.407 15.40 Мультфильмы  
14.10 Х/ф «Арабские при-  
ключения», 1-я серия  
16.00, 18.05, 20.40 Музы-  
кальная дорожка  
18.40 Комедия «Дюплекс»  
18.45 Х/ф «Джон Х.»  
21.20 Х/ф «Искусство вой-  
ны»

### 1-may, Seshanba

12.00, 13.55 «Клип-минут-  
ка»  
12.20 «Ералаш»  
12.40 М/ф «Спящая краса-  
вица»  
14.15 Х/ф «Арабские при-  
ключения», 2-я серия  
15.45 Мультфильмы  
16.05, 18.25, 21.05 Музы-  
кальная дорожка  
16.45 Х/ф «Дикий, дикий  
Вест»  
19.05 Х/ф «Спецназ»  
21.45 Х/ф «За гранью»

### КАМАЛАК канали ҳафталик дастури

#### 2-may, Chorshanba

12.00, 14.10 «Клип-минут-  
ка»  
12.20 «Ералаш»  
12.40 М/фильмы «Дорога на  
Эльдорадо»  
14.30 Сказка «Василий Бус-  
лаев»  
15.50 Мультфильмы  
16.10, 18.30, 20.45 Музы-  
кальная дорожка  
16.50 Х/ф «Свадебный пере-  
лох»  
19.10 Х/ф «Доспехи бога»  
21.25 Х/ф «Серая сова»

#### 3-may, Payshanba

12.00, 13.50 «Клип-минут-  
ка»  
12.20 «Ералаш»  
12.40 М/ф «Иосиф - царь  
снеговений»  
14.10 Х/ф «Матильда»  
15.45 Мультфильмы  
16.05, 18.25, 20.40 Музы-  
кальная дорожка  
16.45 Х/ф «Брюс Всемогу-  
щий»  
19.05 Х/ф «Герой»  
21.20 Х/ф «Люди в  
чёрном»

#### 4-may, Juma

12.00, 14.10 «Клип-минут-  
ка»  
12.20 «Ералаш»  
12.40, 15.25 Мультфильмы  
«Геракл»  
14.30 Сказка «По щучьему  
велению»  
15.45, 18.05, 21.10 Музы-  
кальная дорожка  
16.25 Х/ф «Бесстрашный»  
18.45 Х/ф «Искусственный  
интеллект»  
21.50 Кино «Человек  
паук-2»

### 5-may, Shanba

10.00, 11.45 «Клип-минут-  
ка»  
10.20 «Ералаш»  
10.40, 14.20 Мультфильмы  
12.05 М/ф «Остров сокро-  
вищ», 1-я серия  
12.55, 14.40 Рейтинговый  
фильм  
16.20, 18.30, 21.10 Музы-  
кальная дорожка  
17.00 Х/ф «Самурай»  
19.10 Х/ф «Игры разума»  
21.50 Х/ф «Семьянин»

### 6-may, Yakshanba

10.00, 12.05 «Клип-минут-  
ка»  
10.20 «Ералаш»  
10.40 М/ф «Синдбад легенда  
семи морей»  
12.25 М/ф «Остров сокровищ»  
13.25, 15.20 Рейтинговый  
фильм  
15.00 Мультфильмы  
17.00, 19.10, 21.45 Музы-  
кальная дорожка  
17.40 Х/ф «Парни из женско-  
го общества»  
19.50 Х/ф «Помни»  
22.25 Видеобута: 1.Бой-  
цовский клуб 2.Собствен-  
ность дьявола 3.Ведьма

## O'ZBEKISTON

Қилгиликчи қилиб қўйган Азизбек пичоғини дўкон томиға отиб юборди. Сўнг гўёки мастлиги тарқагандай Жасурға ёрдам кўрсатиш ҳаракатиға тушиб қолди: хирриллаб ётган жабрдийдаға сунъий нафас беришға уриниб кўрди.

Бу орада кимдир нарироқда яшов-

## Гулзордаги қотиллик

чи врачни чақириб келиш учун кетди, яна биров Жасурнинг отасиға хабар бергани югурди.

Жасурни шифохонаға етказганлариде жони узилиб бўлган эди. Шу тариқа бу қишлоқда рамазон ойининг бир кечаси фожеа кўлдан яқун тоғди.

Жиноят жазосиз қолмади. Мастлик оқибатида қотилликға қўл урган Азизбек суд ҳукми билан ўн етти йилға озодликдан маҳрум этилди. Бу фожеанинг олдини олиш мумкинми деган саволға жаваб қидирар эканмиз, жиноятнинг илдиэи қаерда деган бошқа бир савол пайдо бўлади. Кимлардир, қайсидавр роғдил бандаларға сабоқ бўлар деган умидда жиноятни тафсилотлари билан баён қилдик.

Б. КАМОЛОВ,  
Республика Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори

## ЖИНОЙ ШЕРИК

Онасиға қарашиш учун дарсдан сўнг дўконға чиққан Умид ўша куни ҳам ярим тунғача савдо қилди. Дўконни ёлиб кетишға чоғланганида мастликдан оёғида зўрға турган Жумабек (исм ўзгартирилиб берилди) пайдо бўлди. Одатдагидай насияға ароқ сўраб рад жавобини олган Жумабек йигитчаға ўдағайлаб кетди. Маст-аласт харидорлар билан олди-берди қилавериб пишиб қолган Умид унга эътибор қилмади.

Жумабек сўкинганча дўкондан узоқлашди. Нимандир режа қилиб кўча бошидаги новвойхона томон йўл солди.

Гандирақлаганча ошқ турган новвойхонаға кириб борди. Ичкарида ҳеч ким кўринмагач, аланглаб қидирган нарсасини топди-да, яна чиқиб кетди. Уни кўриб қолган новвойнинг хотини ортдан ҳай-ҳайлаб қолаверди. Узала тушиб телевизор томоша қилиб ўтирган Анвар новвой хотинининг гапидан сўнг Жумабек кетган томонға югурди.

Бу пайтда новвойхонадан ўтирган пичоқни ўқталганча дўконға кириб келган Жумабек Умидға ташланди. Ёш, бунинг устиға эпчилгина йигитча чап беришға улгурди. Иккинчи ҳамлада Жумабек пичоқ билан унинг болдинини тилиб юборди.

Буни кутмаган Умид бир-икки зарб билан уни йикитди. Олишувнинг устиға келиб қолган Ахбар новвой ҳам Умиднинг тарафида бўлди. Икковлашиб Жумабекни уркалтак қилишди.

Тўғриси, Анвар новвой битта пичоқ учун бировни қонига белаёйдиган одамлардан эмас эди. Бу ерда бошқа гап бор эди.

Бундан кўп йиллар бурун мана шу — бугун биров йўқламайдиган Жумабек унинг отасини пичоқлаб қўйган эди. Жумабек бунинг учун қонун олдида тегишли жазосини олган, бироқ Анвар новвойнинг ўч олиш нияти хали сўймаган эди.

Улар оёқда турулмаётган Жумабекни нарироқдаги ташландик ерга олиб чиқишди. Бемажол ётган пичоқнинг галма-галдан уриб чарчади, шекилли, уни шу ҳолича ташлаб орқаға қайтишди. Бироз ўтган ишларидан қўнгли тўлмай яна ўша жойға боришди.

Жумабек туришға мадори бўлмасаям сўкиншдан тўхтамасди.

— Бу алқашни ўлдириб ташласак ҳам биров сўрмайди. Жонинг борича ур, Умид, овози чиқмай қолсин. Бир нарса бўлса, мен жаваб бераман!

Қап-катта одамнинг бу гали ўспириниға далда бўлди. Бунинг устиға чоратрофда ҳеч ким йўқ. У химоясиз, мажолсиз ётган Жумабекни хумордан қичқунча уриб-тепди. Каминга Анвар новвой ҳам тепкилади. Сўнг уни шу аҳволда ташлаб кетишди.

Тонгға қадар қилиб кетган Жумабек кўп кун йўқотиб омибатида шу ерда жон таслим қилди.

Қотиллик юз берди. Бировнинг ўч учун хали ўн гулидан бир гули очилмаган йигитча оғир жиноятта шерик бўлиб қолди. Жиноят эса ҳеч қачон жазосиз қолмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг ҳукми билан Анвар Усмонов 16 йилға, Умид Матқосимов эса 5 йилға озодликдан маҳрум қилинди.

Бекмурод ФОРИКОВ,  
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

**Я**м-яшил барглр устига тўкилаётган ёмғир томчилари шунчалар гўзалки! Беихтиёр уни ушлагинг келади. Гўё ана шу шаффоф томчилар руҳингни ювадигандек туюлади. Маҳзуна қўллари чўзиб барглрдан оқиб тушаётган томчиларни кафтига тўлдирди, сўнг юзларига босди. Муздеккина сувдан бир сесканди-ю, аммо тетиклашди. Боядан бери минг бир хаёллар огушида, эрининг беларак кетишидан ташвишда ўтирган эди, мияси тиниклашгандек бўлди. Уйга бориш керак! Болаларини олди-ю, қайноқасиникига жўнайди. Шундоқ ҳам хавотирланиб ўтиришгандир.

Маҳзуна ҳар сафар Наманган шаҳрига, ота-онасиникига келса, шу хиебонда соатлаб ўтиради. Бу болалигидан одат бўлиб қолган. Ҳеч ким безовта қилмайди. Ўтган кетган ҳайрон бўлиб қарамайди.

Унга, айниқса, шу ўриндиқ жуда маъқул. Шундоққина хиебонга эгилиб турган толнинг барглари тўсиб қолган. Шу боис ўтирган одамни ташқаридагилар илғаси қийин. Соқнилик кишига шунчаки ором берадики, Маҳзуна бу ерга фақат ўзи келади. Чунки бу гўша ёлғиз

— Ҳаво айниб турибди, кўп ҳаяллаб қолмагин, — ҳай-ҳайлаб қолди онаси ортидан.

Дам ўтмай ўзини яна сеvimли тўшасида кўрди. Аммо бу гал дилидаги хавотирлик аримади. Гўё бир нараса нафасини сиқиб келаётгандек.

\*\*\*

Маҳмуд нонушта қилиб бўлгач, хотинини шоширди:

— Тезроқ кийин, шаҳарга бораман деяётгудинг шекилли. Бугун Нозимнинг иши бор экан. «КамАЗ» бир ўзимга қоладиган бўлди. Эртароқ бориб у ёқ-бу ёғига қараб қўйай.

У «Сардоба»га келганда автобусдан тушиб қолди. Маҳзуна эса ота-онасиникига кетди.

«Дустилик» бозори ёнида жойлашган юк машиналари тўхтайдиган жой ҳар кунгидан ҳам гавжам. Биров мижоз кутган, биров арзонгаров киракаш гамида.

Маҳмуд кела солиб машинасининг у ёқ-бу ёғига қараган бўлди. Мана, тўрт-беш йилдан бери синфдоши Нозим билан бирга шу «КамАЗ»да киракашлик қилади. Тоғишлари ёмон эмас. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек. Қозонлари қайнаб турибди, бергани

олиб келади!..

— Ишқилиб, бугун келадиганмиди? — Маҳмуд ҳам бетоқатлана бошлади.

— Ҳа, бугунга келишганмиз. Мабодо келмаса, яна кўшиб борамиз, кутасан-да, ука! — Саид унинг елкасига уриб қўйди.

Маҳмудга барибир эди. Пулини беришса бўлгани. Унга нима, соқининг нафаси уриб турибди, соясалқинда ётибди-да, дам олиб!

Тарвузни эртасига ҳам олиб келишмади. Маҳмуд ҳамроҳларининг бир-бирига галати-галати қараб олишларидан гашланса-да, иложсиз эди. Наҳора, шундан-шунга пул топаман, деб келиб ўтирибди. Шом тушиб қолди, энди ҳеч ким келмаса керак. Эрталаб бўлсин-чи, бир ишининг тайини чиқмаса, шартга жўнаворлади. Шунча кетганнинг бири, яна бошқа насибага яраша юмуш чиқиб қолар.

ладилар. Устини кўрпача билан ёпиб, бошқа лаш-лушларни ҳам тепасига тахлаб қўйдилар.

«КамАЗ»ни миниб бораётган Саид узидаги ҳаяжонни ташига чиқармас, аммо Зарифнинг бўлари бўлганли.

— Энди буни даф қилиш керак, — гудранди Саид норози оҳангда. — Ўзи сенинг гапингга кирмай, ўтган кечадаёқ қўлоёғини боғлаб, сойга ташласам

қазди.

Энди бу ердан кетса ҳам бўларди. Тунни машина саройида ўтқазинди. Саид кеча қиладиган ишларини режалаштириб қўйганди. Шу боис «КамАЗ»ни юргизиб, «Испарон-Қорасу» айланма йўли орқали кўзланган адирликка етиб олишиди. Юкхонадан брезентга ўралган мурдани ерга олиб, устига кигиз ва ёрилган баллонларни қўйиб, ёқиб юборишиди.



# ТИНХ, ОНА Қ, ОТИЛДИК

унгагина тегишлидек. Ахир бахтини, Маҳмуд ақасини шу ерда учратган, ниҳоқ базмидан кейин ҳам айнан шу ўриндиқда келажаклари ҳақида режа тузишган, сўнгги нафасларигача бирга-бирга яшагача ваъдалашган. Лекин, мана, беш кундири, Маҳмуд ақаси уйга келмаяпти. Кетар чоғи: «Яхшигина «заказ» чиқиб қолди. Шундоқ юкни керакли манзилга олиб бориб қўяман-у келаман», деганди. Шу бўйи қайтмади, эртасига ҳам, индинига ҳам...

Қайноқаси келиндоги хавотирни аритиш учун тушлик чоғи маслаҳат солди:

— Қизим, юмушларингизни тез-тез тутатиб, бугун бориб қудаларини кўриб келинг. Болалар ҳам шаҳарни соғинишди чоғи. Маҳмуддан хавотир олманг, соғ-саломат юргандинг. Тегирмонга тушса бутун чиқади у. Иши кўяйиб кетганда, ҳойнаҳойи. Худо хоҳласа омон-эсон келади...

Маҳзуна «маъқул» дегандек бош ирғаб қўйди. Шаҳарга боришлари нақд бўлиб қолган болаларининг иришлашларини кўриб, унинг ҳам юзига табассум югурди. «Айтганлари келсин, илоий!» Аммо қайноқасининг ҳарчанд ўзини хотиржам қилиб кўрсатса-да, кўзлари тубида хавотир кўмилиб ётгани, дам-бадам хаёлга берилиб, ташвишда эканини сездириб қўяётгани унинг нигоҳидан четда қолмади.

Ота-онасиникида ҳам дилҳираллиги тарқалмади. Ақаси:

— Э, намуна ваҳима қиласан? Сенларни боқаман деб юрибди-да, боққини. Бирон иши чиқиб қолгандир, индамай кетадиган олати йўқ эди. Бугун-эрта келса керак, — дегач, сал дили ёришди.

— Кечки овқат пишунча хиебонни айланиб келаман, — дея қўнча отланди.

га шукр.

У эндигина машинанинг юришга тахтлигини текшириб кўриб, хотиржам кабинадан тушганди ҳамки, шу ердаги киракашлардан бири икки йигитни бошлаб келиб қолди:

— Маҳмуд, мана бу ақаларнинг юки бор экан. Биласан-ку, мен кеча «заказ» олиб қўйганман. Ўшаларни кутяпман. Мабодо бўш бўлсанг, ҳождатларини чиқар..

— Тўрақўрғондан тарвуз олаймига эдик, — гапга қўшилди келганлардан бири. — Юк шундоқ «Ширинлик» корхонасининг ёнида. Айтганингизни оласиз, ака!

Маҳмуд рози бўлди. Ахир, шунинг учун турибди-да, бу ерда. Юк эгалари қирқ минг сўм берадиган, Маҳмуд тарвузни «Чорсу» бозорига келтирадиган бўлди.

Тушдан кейин улар Тўрақўрғон қуруқ мевалар корхонаси орқасидаги майдончага етиб келишди. Сайҳонликнинг сойга туташ ёнбошида аҳоли яшамас, кимсасиз эди.

— Тарвузни шу ерга олиб келишди, — деди ўзини Саид деб таништираган киши. — Машинангга ортамиз-у, шаҳарга қайтамиз. Қани, Зариф, сумкадаги егуликларни ол-чи, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.

Маҳмуд сойга тушиб юз-кўзини ювиб чиқди. Унчага Саид билан Зариф дастурхон ёзиб, егуликларни ўртага қўйишди. Улар ҳам ювиниб келгач, биргалашиб овқатланишди.

— Жа-а... қоп кетишди—ку, зангарлар... — ўзича нолиб қолди Зариф. У қирғиз лажжасида гапирар, шу миаллатта мансублиги юз-кўзидан ҳам сезилиб турарди.

— Эҳтимол, деҳқонлар арзонроқда бергиси келмагандир, — эсанаганча жавоб қилди Саид. — Қаёққа шошасан, пулини олдиндан бериб қўйган бўлсак, барибир

У нардан-бери тамадди қилган бўлди-ю, уқлагани ётди. Эҳтимол, бу ёруғ жаҳонни охириги маротаба кўриши эканини билганда шу қадар йўқуга шошилмаган бўлармиди?! Аммо у рафатда қолди. Ҳамроҳларининг дилидаги ёвуз ниятидан беҳабар, юлдузи осмонга юз тутганча уйқуга кетди.

Тонгги соат тўрт. Туни билан ухлаб-ухлолмаган Саид Зарифни туртиб уйотди.

— Тўр! Намунча рафлат босмас-а? Ҳозир уйғониб қолади!

Зариф шошиб кўзларини ишқалади, хавотир билан теварақини кузатиб. Ён-атрофда ҳеч зор кўринмас, элас-элас хўрозларнинг қичқиршидан бўлак сас-садо йўқ эди.

Саид «бошла», дегандек имлади. Улар аввалдан келишиб қўйишган, қандай бўлмасин Маҳмуднинг йўқ қилиб, «КамАЗ»ни Қирғизистонга олиб ўтиб кетиш режасини тузишганли. Бироқ... бироқ Маҳмудни ўлдиршига Зарифнинг юраги дов бермади. Такапука бўлганча ўзини машина кабинасига урди.

Саидга эса ҳар бир утаётган вақт ганимат эди. У сал нарида турган тошни олди-да, ухлаб ётган Маҳмуднинг бошига зарб билан урди. Унинг юраги шу дамда фақат ёвузлик билан тепар, оёғи остида типирчилай-типирчилай хушидан кетган мавжудот инсон боласи эканини ўйлаб ҳам кўрмасди. Маҳмуд гарчи жим қолган эса-да, ҳали жони узилмаган эди. Саид ёнидаги қийнқачани унинг томоғидан ўтказиб бўга бошлади. Ҳеч фурсат ўтмай Маҳмуднинг танида тирикликдан ном-нишон қолмади.

— Зариф, қаерга даф бўлдинг? Бу ёққа қара! — Саид ҳам қўрқув, ҳам шошлаетгани боис бақриб юборди. Икковлон жасадни кўтариб, кабинанинг орқа қисмига жой-

бўлар экан...

— Эсинг жойидами? — Зарифнинг кўзлари ола-кула бўлиб унга ўқрайди. — Кўрдинг-ку, кун ёйилиб қолганди. Кейин... ўликни сувдан осонгина топиб олишарди. Шахсини аниқлаш ҳам чўт бўлмай қоларди...

— Энди-чи? — асабий рулга мушт урди Саид. — Тезроқ қоч, ўликни йўқот... Қаерга борамиз шу аҳволда?

— Қаерга бўларди, бирор пана-пастқам жой топилиб қолар... — умлдис жавоб қилди Зариф. — Бу ёғига Худо पोшо...

Хаёлан турли кўчаларда сарсаири кезган Саид рулни «Косонсой-Тўрақўрғон» йўлига бурди. Ширин довоини орқали Гурмиронга, ундан «Косон» ширкат хўжалиги машина саройига кириб бордилар. Зариф ўша ерда қолди. Саид ёлланма «Тико»да Косонсой тумани марказида яшовчи таниши Абдужалил ақаникига йўл олди. Нияти, унга тегишли ГАЗ-52-А автомашинасининг давлат рақамини сўраб олиб, «КамАЗ»ни Қирғизистонга олиб ўтиш эди. Бироқ таниши уйда йўқ экан. Хотини эса эридан сўроқсиз ҳеч нараса беролмаслигини айтиб, қуруқ қўл билан қайтарди.

Саиднинг боши қотди. Бу ерда ўралашиб юрaversа, қўлга тушиши тайин. У тезроқ рақамни олмас, ишлари чаппасига айланишини сезиб, яна Абдужалилни кичи борди. Бу гал дарвозани унинг қизи Наргиза олди. Саид отаонаси уйда эмаслигини билгач, аста қизчани аврай бошлади.

— Токчада машиналарининг нумери бор экан, шуни олиб берар экансан. Сенга сумка билан яна кўп нарсалар олиб келаман. Қизалоқ ваъдаларга алланди. Югурганча рақамни олиб чиқиб, нотаниш амакининг қўлига тут-

Саид «КамАЗ»ни Янгиқўрғон туманининг Исковот қишлоғи орқали Қирғизистон Республикасига олиб ўтишни мўлжаллаганди. Бу гал ҳам омади чопди, яширин йўллар билан ҳеч қийналмасдан қўзлаган манзилга етиб олди. Машинани эса танишига сотиб юборди...

Бировнинг жонига қасд қилиш муқаддас динимизда ҳам қораланган, бунга кецириб бўлмайдиган гуноҳ сифатида қаралган. Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаёти олий қадрият саналади. Унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳаётининг дахлсизлиги қонулар билан муҳофазга этилади. Бироқ... юқоридаги каби воқеаларни эшитиб ёқа ушлайсан, киши.

Асли Саид ҳам, Зариф ҳам бирор касбнинг бошини тутганлариди, олдинги қамоқ жазосидан тўғри хулоса чиқарганларида бу хунрезлик рўй бермас эди. Маҳмуд умрининг энг навқирон даврида сўлмаган, Маҳзуна ва она аъзолари унинг ортидан чирқираб қолмаган бўларди.

Суд жараёнида ҳар икки баттол қилган ишларидан пушаймонлигини айтиб, қайта-қайта енгиллик сўрашди. Аммо эндиги аттанган ден наф? Сув ортига қайтармиди, ё ўлганлар тирилиб келармиди? Сўқир қўздан ёш чиқмаганидек, бу узру маъруфнинг қафолати қачонгача?..

\*\*\*

...Ям-яшил барглр устига ёмғир томчилари тўкилади. Беихтиёр уни қўлинг билан ушлагинг келади. Гўё ана шу шаффоф томчилар руҳингни ювадигандек... Аммо бу ёмғир кўнгил доғини ҳам юва олармикин?..

**Абдухамид КАМИЛОВ,**  
**Республика Бош прокуратураси**  
**бошқарма прокурори,**  
**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
**журналист**



ВВСнинг хабар беришича, Шри-Ланканинг шимолда жойлашган давлатнинг асосий ҳар-

## БОМБАРДИМОНЧИ «ЙЎЛБАРС»ЛАР

бий базаси тамиллик сепаратчилар томонидан бомбардимон қилинган. Сепаратчилар вакилининг айтишича, бомбардимонда икки самолёт иштирок этиб топшириқни тўлиқ бажаришга муяссар бўлган. Аввалги ҳарбийлар ушбу ахборотни тасдиқламадилар. Аммо кейинроқ лейтенант-командир Рохан Жозеф ҳарбий база яқинида ҳақиқатан ҳам душман самолёти-

ни аниқлаган ва қарши ҳужум пайтида у база яқинида бомба ташлаб, бир неча ҳарбийларни жароҳатлашга эришган.

Ҳукуматга қарши бу каби ҳаво ҳужуми «Тамил Илам озодлиги учун курашувчи йўлбарслар» деб аталувчи жангарилар уюмаси томонидан иккинчи мартаба амалга оширилмоқда.

Сепаратчилар жангари самолётларнинг суратларини ҳам

намоиш қилишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Чехияда ишлаб чиқариладиган енгил моторли ушбу самолётлар жангарилар томонидан қисмларга ажратилган ҳолда контрабанда йўли орқали олиб келинади ва бомба ташлаш учун мослаштирилади. Тахминларга кўра, ҳозирда сепаратчиларда бундай самолётларнинг бештаси мавжуд.

## КРОНАМИ ЁКИ ЕВРО?

Чехия президенти Вацлав Клаус ягона Европа валютаси — еврога ўтиш масаласида мамлакатда референдум ўтказиш таклифи билан чиқди, дея хабар беради AFP агентлиги. Унинг Чехия матбуот нашрларида чоп этилган мақола-сида бу масала атрофида таҳлил этилган бўлиб, президент жумладан шундай дейди: «Ҳар қандай мўлдатли валюта давлатчиликнинг муҳим рамзи ҳисобланади. Бу раъдан воз кечиш ёки кечмасликни фақатгина мамлакат фуқаролари ҳал қилади».

Апрел ойининг бошларида Чехия бosh вазир Мирек Тополанек ҳукумат томонидан еврога ўтиш талориги қўрилагани ҳақида хабар берган эди. Молия вазирлиги эса мамлакат узоғи билан 2012 йилда еврога ўтиши мумкинлигини маълум қилган.



## АБОРТ ЛЕГАЛЛАШДИ

абортга рухсат берилган эди.

Етти соат давом этган қизгин музокаралардан сўнг 46 киши қонунни маъқуллади. 19 киши қарши овоз бериб, бир кишигина бетараф қолди. Овозлар бундай бўлишининг асосий сабаби — шаҳар парламентида сўл «Демократик инқилоб партияси» вакиллари кўпчиликти ташкил қилади.

Консерватив «Миллий амал партияси» раҳбари, Мексика президенти Фелипе Кальдерон абортни легаллаштирувчи

қонунга қарши чиққан бўлса, унинг рафикаси қонун тарафдори бўлган. Аввалроқ Рим папаси Бенедикт XVI мексикаликларни мазкур қонунни қабул қилмасликка чақирган. Маҳаллий католик черков вакиллари қонун тарафдорларини черковдан четлатиш билан кўрқитганлар.

Ушбу қонун қабул қилингунинга қадар Мексикада ҳомилани олдиришга фақат медицина ташхиси талаб қилган ва ҳомиланомусга тегиш орқали олдирилган тақдирдагина рухсат бериларди.

## Назорат кучайтирилди

Сешанба кундан бошлаб Эстония чегара мухофазаси Департаменти мамлакат чегараларида назоратни кучайтира бошлади, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Департамент матбуот хизмати бу ҳолатни «май ойида оммавий тадбирларнинг кўпайиши» билан изоҳлаган. Чегарачилар фуқароларга мурожаат қилиб, бу ҳолатга тўғри бандишиши ва ўз вақтларини олдиндан режалаштириб олишларини сўраган.

Эстония ОАВ эса назоратнинг кучайтирилиши Тинисмяя тепаликларидоги биродарлик қабристонидо бошланадиган қазич ишлари билан боғлиқ деган тахминда.

Эслатиб ўтамиз, март ойида мамлакат мудофа вазирлиги Таллин шаҳри марказидаги мазкур қабристондаги совет солдатлари ҳокими шаҳар яқинидаги Сиселина ҳарбийлар қабристонига кўчириш таклифи билан чиққан эди.

## Сайловда иштирок этмайди



Қирғизистоннинг Кемин туман суди собиқ президент Аскар Акаевнинг қизи Бермет Акаевани парламент сайловларида иштирок этишдан четлатишди, дея хабар беради «24.kg» ахборот агентлиги. Мазлумки, 23 апрель кунин суд Бермет Акаевани сайловларда иштирок этишдан четлатишни сўраган даъвогарлар талабини рад этган эди. Бироқ бир кундан сўнг судья яна қарорини ўзгартирган ва аввалги қарорига Б.Акаеванинг тарафдорлари томонидан ўтказилган босим сабаб бўлганини айтиб ўтган.

Олдинроқ тарқатилган маълумотларда айтилишича, Б.Акаеванинг рақиблири Кемин сайлов округига унинг сайловда иштирок этиши ўтроқлик цензига зид эканлигини маълум қилган эди. Ўтроқлик цензига кўра қирғиз парламентида номзодлар мамлакат ҳудудида беш йилдан кам бўлмаган муддат яшаган бўлиши талаб этилади.

Эслатиб ўтамиз, собиқ президент А.Акаевнинг қизи мамлакатдан 2003 йилнинг баҳоринда, «лоларанг инқилоб»дан сўнг чиқиб кетган эди. Шу йил март ойининг охирида эса у парламент сайловларида иштирок этиш учун Кемин сайлов округида рўйхатдан ўтган. Аввалроқ унинг адвокати ўтроқлик цензи ҳақида тўхтаб экан, «керак бўлса Б.Акаева шу вақтда қадар мамлакат ҳудудида бўлганини исботлаб бериши мумкинлигини» айтган эди.

## Озодлик учун ёнғин

АҚШнинг Индиана штати Ньюкасл шаҳридаги эркаклар қамоқхонаси мабуслари қамоқхонада ёнғин уюштириб деворни бузиш мақсадида кўзгюлон кўтарганлар. France Press хабарига кўра ушбу воқеа натижасида муассасанинг икки нафар ходими жароҳат олган.

Ньюкасл мерининг айтишича, ушбу кўзгюлонни бартараф этиш учун шаҳардаги барча полициячилар жалб қилиниб кўзни ёшлантирувчи газ, сувотич каби янахус техникадан фойдаланилган.

Мазкур қамоқхонада 1000 киши сақлиниб, яна 630 нафар мабухс Аризонадаги қамоқхона тўлиб кетганлиги боис бу ерга ўтказилган эди. Ҳозирда ҳуқуқни мухофазга қилувчи орган ходимлари қамоқхонадан мабуслардан биронтаси қочган ёки қочмаганлигини аниқлаш ишларини давом эттирапти.



Обарадан 21 ёшли британиялик Люси Блэкмен ўлимида айбонлиги исботланди. Японияга ишлашга келиб 2000 йилнинг июнида йўқолиб қолган Люсининг тана аъзолари Дзедзи Обаранинг уйи яқинидаги ўрадан топилган.

Япония ҳукумати айбни исботловчи аниқ далиллар, масалан, ДНК излари йўқлиги сабабли ушбу қотилликни Обаранинг бўйнига қўйиб бўлмаслигини айтган. Бироқ Люсининг онаси Жейн Стирининг таъкидлашича, унинг собиқ турмуш ўртоғи, яъни Люсининг отаси Тим Блэк-

## ҚУРБОН БИТТАГА КАМАЙТИРИЛДИ

Sky News телеканалининг хабарига кўра 2000 йилдан буён қамоқда сақланаётган япониялик тадбиркор Дзедзи

мэн япониялик тадбиркорнинг ақинларидан 450 минг фунт стерлинг (900 минг АҚШ доллари) олгани боис суд айбни бекор қилган.

Япония қонунчилигига кўра, айбдор қилмишидан пушаймонлигининг намоиши сифатида жабранувчиға тоvon тўлаши мумкин. «Адвокатлар тўловни қабул қилиш Обара устидан чиқариладиган ҳукмга катта таъсир кўрсатиши ҳақида мени ва собиқ турмуш ўртоғимни бир неча бор оғохлантирган эди», деган Жейн Стир.

Ушбу айбловнинг бекор қилинишига қарамадан Обара умрбод қамоқ жазосини ўташда давом этаверади. Ушбу жазага у 2003 йилда маҳкум қилинган эди. Обара саккиз нафар аёлнинг номуслига тегишда (улардан бири жабранувчининг ўлими билан туғаган) айбланган.

## Дабдабага ўрин йўқ

«Азия-Плюс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Тожикистон президенти Эмомали Раҳмонов бир гуруҳ ҳуқуқшуносларга мансабдор шахсларнинг тўй ва бошқа маросимларга хизмат автомобилда боришини таъқиқловчи норматив ҳужжатини тайёрлаш вазифасини топширган. Мазкур ҳужжатда тартибга риоя қилмаган мансабдорлар қатъий жазоланиши, ҳатто вазифасидан озод

қилиниши ҳам қўзда тутилади.

Тожикистон президенти бундан олдин ҳам урф-одатлар, тўй-маъракаларни тартибга солиш, ортиқча дабдаларнинг олдини олиш ҳақидаги ташаббус билан чиққан. Хусусан, таълим муассасаларида машгулотларда уяли телефонлардан фойдаланиш ва дарсларга шахсий автоуловларда келиши таъқиқланган эди. Ҳатто коррупция-

га қарши кураш агентлиги шахсий автомобилга эга ўқувчи ва талабаларнинг даромадларини текшириб чиқиш топширилганлиги.

Бундан ташқари, мамлакат мактабларида «сўнгги кўнгирик», «алифба байрами» каби тадбирларни ўтказиш ҳам бекор қилинган эди. Аммо кейинроқ бундай тадбирларни чекланган донрада ўтказишга рухсат бе-



рилган. Тожикистон раҳбарининг фикрича, мазкур чора-тадбирлар ортиқча сарф-ҳаражатларнинг ва аҳоли қашшоқлашувининг олдини олишга хизмат қилади.

### Маданият

## Болалар — санъатимиз келажаги

Шу йилнинг 19-20 апрель кунлари Ўзбекистон Давлат консерваториясида VI Халқ чоғуғчилар ансамбли ва оркестрлари Республика фестивали бўлиб ўтди. Фестивалдан олдин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Толибжон Умаров қатнашиб, ёшлар тарбиясига мусиқий таълимнинг аҳамияти хусусида таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Анжуманда консерватория ректори ва республика санъат мактабларининг раҳбарлари мавжуд ютуқ ва кам-

чиликлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Фестивалда ёш мусиқачилар (3 ёшдан бошлаб), ҳаваскор ва профессионал жамоалар иштирок этишди. Ушбу фестивални Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўрта махус касб-хунар таълими Маркази, «Евробазис» компанияси, Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Яққасарой тумани Кенгаши кўп йиллар давомида қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу

йилги фестиваль «Болалар — санъатимиз келажаги» ширини остида «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган бўлиб, унда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 24 та жамоа қатнашди. Фестивалнинг биринчи кунини боғча, мусиқа мактаблари, лицей ва коллеж жамоалари ўз концерт дастурлари билан бошлаб беришди. Иккинчи кунини эса олийгоҳлар, ҳаваскор ва профессионал жамоаларнинг чиқишлари бўлди.

Ғули ҲОЖИБОЕВА

## Ўтганларнинг охири ошад бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма прокурори Қарамон Сулаймановга падали бузуқворни

### АЗАМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокурорининг ўринбосари Алавитдин Низовзга укаси

Низомиддин НИЯЗОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Абдуҳалил САИДУМАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Абдуҳалил САИДУМАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

**Фуқароларнинг, жумладан жабра-  
нуқчаларнинг теровга фаол  
ёрдами жиноятни фош этишни  
тезлаштириди. Мухаббатхон  
сўнги пайтларда тоғасининг  
хотини тез-тез аясининг уйига  
кириб турганини биларди. Бир неча  
бор қамалган келинбойиси — Санобардан яхшилик қилмаслигини  
айтганида аяси парво қилмаган эди.  
Оқибатда...**

Пулни берганимиздан кейин чиқиб кетдик... Уй олдидаги скамейкада ўтирган икки кўшни аёл йигитларнинг кўрсатмаларига аниқлик киритишди.

Гувоҳ Д.Қосимова кўрсатмасидан: «Шоирахон билан уй олдида ўтирганимизда ёни-миздан сумкали, гавдали аёл ўтиб, Орзу опанинг уйига кириб кетди. Эшик кўнгиригини чамлай, чакирмай кирганига ҳайрон бўлиб, аввалдан гаплашиб олишибди-да, деб ўйладим. Бир кун аввал Орзу опа келинбойисига ўзини массаж қилдираётганини айтган эди».

Гувоҳ Ш.Юлдашева кўрсатмасидан: «...уйга кирганимдан кейин йигирма дақиқа ўтгач, тепадаги Орзухоннинг уйида дўпир-дўпир

марҳуманинг уйига борганини тан олишга мажбур бўлди.

— Орзухон билан яхши эдик. Унинг уй ишларига ёрдам бериб турардим. Ҳар кун уйига бориб баданини массаж қилардим. 21 октябрь кун эрталаб тўққиз яримларда унинг уйига бордим. Орзухон узидан ароқ олиб сотадиган Рустамжон деган йигит ва яна бир нотаниш одам билан гаплашиб ўтирган экан. 10-15 дақиқадан кейин улар чиқиб кетишди. Беш дақиқага гаплашиб, хайрлашганман. Бозордан майда-чуйда олиб, уймаг келганман. Кечки пайт соат олтиларда

тувакни ағдарганида тўроқ ичидан ялтироқ қозога ўралган нарса чиқди. Қозога ўралган дастрўмолча орасидаги ўзининг ва марҳума аясининг тилло тақинчоқларини олди-ю, кўзларига ёш қалқиди. Умир бевекат ҳазон бўлган аясининг ҳайратда қотган нигоҳи тагин юрагини ўртади. У тоғаси ва Илҳомжон билан Санобар яшаб турган уйдаги гултувақдан топили тилло буюмларини тергов гуруҳи ходимларига тақдим этишди. Экспертиза хулосасига кўра тилло тақинчоқлар ўралган дастрўмолчадаги қон доғи марҳума Орзухон Орипованинг қон гуруҳи билан бир хил эди. Ва ниҳоят Мухаббатхон ва унинг сингиллари оналарига тегишли «Нокия» ру-сумли қўл телефонини таниб олишди. Бу телефон ҳам Санобарнинг уйдан чиққанди.

Шу тариқа, инкор этиб бўлмас далиллар орқали суд жараёнида Санобар Қосимова-нинг айби узил-кесил исботланди. У кайин-глисининг спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиб, бойиб бораётганини биларди. Санобар Орзухоннинг ишончини қозонган, пул ва тилло буюмларини қўлга киритиш учун қулай фурсатни пойлаётганди. Уша кун даста-даста сўм ва долларни санаб олаётганига кўзи тушган заҳоти қабихона режасини амалга оширишга киришди.

Меҳмонларни кузатгач, одатдагидай Орзухон ечиниб меҳмонхонадаги диванга юз тубан ётди. Санобар вазелинни унинг елкалари, баданига суркай бошлади. Тўсатдан нима биландир бошига урганида Орзухон «дод» дея сапчиб туриб кетди. Бошини чаггаллаб ошхонага қочди. Бақувват Санобар унинг дуч келган жойига чопқични ураверди. У қимирлай қолгач, яшириб қўйилган жойдан 1200 доллар пул, салкам икки миллион сўмлик тилло тақинчоқларни олди-ю, марҳуманинг дастрўмолчасига ўради, сумкасига солиб бамайхотир уйдан чиқиб кетди...

Беҳис, беаев, бераҳм Санобар Қосимова ўша гулдондаги қуриган гулни эслатади. Жонга қасд қилишдан ўзга нарса ни билмай-диган ўта хавфли рецидивистни суд узок муддатга озодликдан маҳрум этди.

Анваржон ХАПИЗОВ,  
Фарғона шаҳар прокурорининг ўринбосари,  
Отабек АХРОРОВ,  
Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси

# Қуриган гул тиккони

овоз эшитилди. Аёл киши «нима қилясиз, опа» деб бақирди. Дераза пардасини суриб, қарадим. Овозлар тинди. Кимдир зинадан пастга тушиб кетди. Қўрқиб, эшик кўзчасидан қарашгаим ботинмадим...»

Юқоридаги ҳолатларга асосан Санобар Қосимова гумонланувчи тариқасида сўроқ қилиниб, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилди. Салкам эллика кирган бу аёл муқаддам икки бор судланганди. Олдинроқ кекса бувисининг бошига ёғоч стул билан ўриб ўлдирган, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1996 йили эса Наманган вилояти суди безорилик қилгани учун уни 6 йил озодликдан маҳрум этганди. У аввал-бошданок бир-бирига зид кўрсатмалар берди. Уша кун Орзухоннинг уйига борганини инкор этди. Экспертиза унинг тирноғининг остидан чиққан заррачалар марҳуманинг баданига суртилган вазелин билан айнан бир хиллигини аниқлагач,

ваннахонада ювинаётганимда Орзухонни ўлдиргани ҳақида хабар келди. Эрим билан унинг уйига бордим. Уни ўлдирмаганман, ўлдиршда қатнашмаганман. Аввал қамалгани тўғайли мендан қўришади, деган ҳаёда, гумонни йўқотиш учун ҳар хил кўрсатма берганман».

Муқаддам икки бор судланган Санобар сўроқда ўзини қандай тутиш борасида муайян «тажриба»га эга бўлгани учун «далили-исботларинг йўқ» дея муттаҳамлик йўлига ўтганди.

Мухаббатхон турмуш ўртоғи Илҳомжон билан қамокда ётган Санобарнинг уйига боришди. Уй тоғасига тегишли эди. У эшикни очиб берди, биргаллашиб аясининг, ўзининг тилло тақинчоқларини қидира бошлашди. Санобар гулларга ишқибоз, уларнинг орасида битта оқ-кўк нақш чизилган сопол тувақдаги гул неғадир қуриб қолган эди. Мухаббатхон гул-

Тергов-төзкор гуруҳи «Қирғули» мавзесидаги 13-уйда воқеа жойини кўздан кечириб бошлади. Жихозларига қараганда, хонадон ўзига тўқ эди. Ошхонада қонга беланган аёл жасади ётарди. Бошида, баданида жароҳатлар... Бадани ялтираб турар, вазелин суртилганди. Меҳмонхонадан кичкина, япа-лоқ, вазелин идишчаси ашёвий далил қилма-тида олинди. Аёл рашк туфайли ўлдирилган бўлиши мумкин деган дастлабки тахмин бўйича суриштирувга киришилди. Шу уйда яшовчи аёлларнинг ушбу хонадонга ўша кун икки нафар эркак киши кирганини тўғрисидаги кўрсатмаси ҳам шу тахминни тасдиқлаётгандай эди. Терговда аниқланишича, уч кун аввал марҳума иккала кичкина қизларини Тошлоқ туманидаги бувиларнинг уйига жўнатган. Уйда холи қолганида жазма-ни билан ўрталарида уруш-жанжал чиққан... Бирок марҳуманинг кизи Мухаббатхоннинг онасига сақлагани бериб қўйган тилла тақинчоқлари, пуллари йўқолган эди. Ушбу ҳолат Орзухонни бошқинчи-қотиллар ўлдир-ган бўлиши мумкин деган эҳтимол бўйича тергов юритишни тақозо этди.

Мудҳиш воқеа арафасида хонадонга келган йигитлар топилиб, сўроқ қилинди.

— Уша кун эрталаб соат тўққизларда қўшин Ерқин ака билан Орзухоннинг уйига бордик, — деди Рустамжон Собиров. — Опанинг ўзи эшикни очиб ичкарига тақлиф қилди. Меҳмонхонада ўтириб, мен ундан олган 1000 доллар қарзим эвазига 900 доллар ва 126 минг сўмни бердим. У пулни санаб олаётганида олдимизга Санобар опа кирди. Орзухон опа уни ошхонага бошлади.

## Табаррук ёшингиз билан!

Хар ким ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Ўзидан яхши ном қолдираётган инсонларни қадрлаш аса инсонпарварлиқнинг олий ифодасидир. Ҳозир табаррук 80 ёшга қаршилаётган прокуратура фахрийси Худойёр ота Аноркулов ана шундай инсонлардан биридир.

1950 йил Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган Худойёр ота дастлаб Самарқанд вилояти адлия бошқармасида иш бошлади. Кейинчалик Нарпай, Зомин ва Боевот туманлари судида судья, Сирдарё вилоят прокуратураси тизимида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. 40 йилдан ортик иш фаолияти давомида, жумладан 20 йилга яқин прокуратура тизимида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Ўз билими ва тажрибаси билан қонунчилик

ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшди.

Худойёр ота иш жараёнида фидойилик, изланиш ва хизмат бурчиға садоқатли бўлиш каби фазилатлари билан ҳамкасблари ва жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

У кишининг кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш иши-га қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир-неча марта рағбатланганлиги.

Худойёр ота кексайганига қарамай юрагидаги жўшқинлик уни тарқ этгани йўқ. Небаралари қуршоғида ҳаётдан завақ олиб яшашда давом этапти.

Прократура фахрийси Қиятбай Жуманазаров 75 ёшга тўлди. У 35 йилдан ортик иш фаолияти давомида, жумладан 30 йилга яқин Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси тизимида туман прокуратурасининг терговчиси, Нукус шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, Мўйноқ ва Бўзатов туман прокурори, Республика прокуратурасининг бўлим прокурори ҳамда катта терговчиси лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Қорақалпоғистон Республикасида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшди.

Шу кунларда отахонни табаррук ёши билан қўлаб, ёр-дўстлари, шогирдлари таширф буюрмоқда.

Ҳурматли Худойёр Аноркулов ва Қиятбай Жуманазаров! Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўлаб-қувватлаш жамоатчилик маркази силарни қутлуғ ёшингиз билан муборакбод этади. Силарга мустиҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва узок умр тилаб қолади.

## РЕКЛАМА

### «ФАРМЕД САНОАТ» хусусий корхонаси маълум қилади

**Хурматли истеъмолчи!**

Биз сизнинг ишончингизни юқори баҳолаган ҳолда «**РИНЗА таблеткалари №10**» дори воситасининг келиб чиқиши номаълум, оригинал дори воситасига жуда ўхшаш қалбаки нусхаларини сотиб олишдан огоҳлантирмоқчимиз.

«**РИНЗА ТАБЛЕТКАЛАРИ №10**» ДОРИ ВОСИТАСИНING ФАҚАТГИНА ОРИГИНАЛ НУСХАСИ ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ!  
ЎЗ СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГИ!

Сизнинг ишончингиз — миллий ишлаб чиқарувчилар учун асосий қўмақдир!

**ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ. №10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ**

**Энди РИНЗА таб. №10 голограмма билан**

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sapoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни **ГОЛОГРАММА** — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. **ГОЛОГРАММА** дори қутисининг ҳар шикки томонида жойлашган.

**Силарга ханиша омонлик тилаймиз!**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** 399-55-00; 175-75-00



**Huquq**  
yuridik gazeta

**Ta'rischi:**  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), SALTANA ORTIQOVA, Tohir M'ALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.  
E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nestr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 355. 23 580 nusxada hosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: Sh. YODGOROV**  
**Musahhirlar: A. MUSTAFOYEV**

Gazeta «Shara» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**